



2022 йил 1 апрелдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1-4-синф ўқувчилари бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминланади.



25 мартдан 5 майга қадар «Долзарб 40 кунлик» доирасида 125 миллион 30 минг дона манзарали, мевали даракт ва бута кўчатлари экиш белгиланган.

Маҳалла

№ 12
(2046)
26 март 2022 йил

www.xolisnazar.uz
@Xolis_nazar
@Xolisnazar



Маҳалла — муаммолар ечимида энг мақбул тизим

Президент Халқ қабулхоналари, Олий суд, Адлия вазирлиги ҳамда қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъуллари томонидан уч кун давомида Наманган вилоятидаги 1 минг 540 дан зиёд хонадон ва қарийб 1 минг 460 та объект ўрганилиб, аниқланган 478 та масаладан 416 тасига ечим топилди.

Муаммоларга, аввало, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб барҳам бериш, шарт-шароит ва имкониятлар яратиш билан боғлиқ жиҳатлар, амалга ошириладиган ишлар, лойиҳалару режалар энг куйи тизим вакиллари билан муҳокама қилинди.

Масалан, Янгикўрғон туманида ўтказилган ўрганишларда Абдуфаттоҳ Барноев «Гулшан» маҳалласида 5 йилдан бери ишламаётган оилавий шифокорлик пунктини замонавий асосда қайта ишга тушириш, Мадина Мамажоновна эса «Янги Богистон» маҳалласида янги мактаб барпо қилиш билан боғлиқ масалаларга ечим суради. Бу икки масала вилоят даражасида ҳал қилиб бериладиган бўлди. «Оқсув» маҳалласида яшовчи Салимаҳон Эрматованинг ҳам уй-жой билан боғлиқ муаммосига ўша ернинг ўзида ечим топилди.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРҒИН



ОДАМЛАР ОБОД МАҲАЛЛАЛАРДА ЯШАШИ КЕРАК

2022 йил учун қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган жами 413 та қишлоқ ва маҳалла танлаб олинди

Президентимиз қарорига асосан, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 17 та жорий таъмир, 76 та капитал таъмир, 99 та янги қурилиш, жами 192 та маҳалла бинолари замонавий қиёфа касб этади.

Унда маҳаллада фаолият юритувчи янги институт вакилларига муносиб иш шароитлари яратиш белгиланган. Жумладан, бир тану бир-жон бўлиб, тизимли ишларни олиб бориш мақсадида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори маҳалла биноларида жойлаштирилади.

Бундан ташқари, республика бўйича дастур

доирасида 61 та маҳалла гузарлари қурилиши режалаштирилган.

2023 йилдан бошлаб қишлоқ ва маҳаллалардаги мавжуд ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларининг ҳақиқий ҳолати тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланиб борилади. Ваҳоланки натижаларига кўра энг паст кўрсаткич қайд этган ва ўтган давр мобайнида дастурларга киритилмаган қишлоқ ва маҳаллалар дастурларга биринчи навбатда киритилади.

Дастурлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига, биринчи навбатда, шу ҳудудда

яшаётган ҳамда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган ёки меҳнат миграциясидан қайтган ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли жалб этилади. Бу билан аҳолини иш билан бандлиги таъминланади.

Қарордаги яна бир янгилик: шу вақтгача «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари учун ҳар йили алоҳида қарор қабул қилинарди. Бу йилги қарор билан эса 2022-2026 йиллар учун, яъни 5 йиллик дастур қабул қилинди. Бунда ҳар йилги ишлар ҳажми ва режаси аниқ белгилаб берилган. Келгуси йилларда ҳам амалдаги тартиб бўйича ишлар давом эттирилади.

3

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИ:

Бу шунчаки кампания эмас, жамият тараққиётини белгиловчи мезондир

Маҳалла раислари сайлови — мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқелик саналади. Зеро, мазкур сайлов шунчаки ўзини ўзи бошқариш институти борлиги ёки жамиятда демократия тамойиллари устуворлигини кўз-кўз этувчи кампания эмас, балки жамиятнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий юксалишини белгиловчи муҳим имтиҳондир. Албатта, янги жамиятни эски мезонлар, эски қоидалар ва қолиплар билан қуриб бўлмайди. Шу боис «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонун билан сайлов тартиб-қоидалари янада такомиллаштирилди.

2022 йил 16 март куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати Кенгашининг йиғилишида фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддаси ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли моддаларига мувофиқ, маҳалла раисларининг навбатдаги сайловини шу йилнинг май ойида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Давоми 2-саҳифада.

«САЙЛОВ — 2022»

4

Хотин-қизлар фаоли —
йиғин раисининг яқин ҳамкори

5

БОЛА ПУМ
КИМЛАРГА, ҚАЙ ТАРТИБДА ТАЙИНЛАНАДИ?

6

ПЕДАГОГ КАДРЛАР АТТЕСТАЦИЯСИ ШАФФОФ УТЯПТИМИ?

7

ҚОНУН ҚОҒОЗДА ЭМАС, ҲАЁТДА АҚС ЭТСАГИНА Фойда беради

8

«ЯШИЛ МАКОН» БИР ЙИЛЛИК ТАДБИР ЭМАС

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий муҳитни янада яхшилаш бўйича ҳар бир маҳалланинг «Йул харитаси» ишлаб чиқилди.

Бу йилги маҳалла раислари сайловида 9 349 та маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайланиши кутилмоқда.

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.

МАҲАЛЛА

— муаммолар ечимида энг мақбул тизим

Аслида, аксарият муаммонинг илдизи — рўзгордаги етишмовчилик, даромад камлиги билан боғлиқ. Шу боис Халқ қабулхоналари ва секторлар раҳбарлари оилалар даромадларини ошириш, осуда, обод ва фаровон турмушнинг мустаҳкам пойдеворини яратишда маҳалла раислари бошчилигидаги янги тизим вакиллари ҳар томонлама кўмак бермоқда. Айни шу ҳамкорликнинг илк натижалари эса кўп-лаб маҳаллаларда буй кўрсатиб қолди.

Айтайлик, Косонсойда паррандчилик — қўшимча даромад «драйвери»га айланмоқда. Айни пайтда тумандаги 37 мингдан ортиқ хонадоннинг қарийб 16 мингтасида 150 мингдан зиёд товуқ боқилмоқда. Бу — тумандаги 43,2 фоиздан ортиқ хонадон вакиллари наинки қўшимча даромад манбаига, балки товуқ парваришlash бўйича яхшигина малакага ҳам эга бўлмоқда, дегани.

Яна бир мисол: «Куқумбой» маҳалласида яшовчи 27 ёшли Оқилбек Холдоров акиси билан уйда 8 турдаги «Брамма» зотли 100 дан зиёд товуқларни боқиб, яхшигина фойдага кирган. Мўъжаз инкубаторида жўжалар очириб, кўпайтирмоқда. Оқилбекнинг айтишича, бир дона «Брамма» тухумини экспортёрлар 6 доллардан сотиб олиб, МДХ давлатлари, Руминия ва Францияга экспорт қилмоқда. Мазсулларнинг ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси билан ўрганишларида сўнг бу ака-ука фаолиятини ривожлантириш, биринчи қўл экспортчига айлантириш, шу асосда

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан ҳам хабар олинди, олис-чекка ва чегарадош қишлоқлардаги қарийб 81 минг нафар киши чуқурлаштирилган тиббий куриқдан ўтказилди, 70 нафар беморга даволаниш учун йўланма, 10 минг 860 нафардан зиёд инсонларга бепул дори-дармонлар берилди, ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

бошқа кам даромадли оилаларни ҳам кооперация асосида уларга бириктириш режа қилинди. Бунинг учун Оқилбек Холдоровга дастлаб 33 миллион сўм кредит ажратилган бўлди.

Яна бир мисол — Учқўрғон туманидаги «Соҳил» маҳалласида яшовчи ёш тadbиркор Дилшодбек Отамирзаев «Ҳар бир оила — тadbиркор» дастури асосида хонбалик етиштириш бўйича 9,2 млрд. сўмлик лойиҳани амалга оширмоқда. Кооперация усулидаги бу янги лойиҳага Учқўрғоннинг беш маҳалласидаги ижтимоий ҳимояга

муҳтож эллика яқин оила вакиллари қамраб олинмоқда. Ҳозирда интенсив усулда балиқ етиштириш учун қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ўрганишлар давомида бу кооперацияларни хонадонларга олиб кириш, шу асосда аҳоли даромадларини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Учқўрғонлик Шахноза Сайфиддинова ҳам кооперация асосида балиқ парваришlashни ният қилган экан, 2-сектор раҳбари ва маҳалла масъулари унга бу борада ёрдам беришга киришди.

Умуман, ўрганишлар давомида вилоятда оилавий тadbиркорликни ривожлантириш учун 77 нафар кишига 1 млрд. 213 миллион сўм кредит ажратилди, 634 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 200 нафар киши касбга ўқитишга юборилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан ҳам хабар олинди, олис-чекка ва чегарадош қишлоқлардаги қарийб 81 минг нафар киши чуқурлаштирилган тиббий куриқдан ўтказилди, 70 нафар беморга даволаниш учун йўланма, 10 минг 860 нафардан зиёд инсонларга бепул дори-дармонлар берилди, ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Ички ишлар вазирилик масъулари Косонсой туманидаги кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолияти билан ҳам танишиб, қалб кўзлари равшан йигит-қизлар билан суҳбатлашди. Мактабнинг 243 нафар ўқувчисига мактаб кийимлари, спорт анжомлари ва бошқа совғалар топши-



Хайрулло АБДУРАХМОНОВ



рилди. Дастурхон ёзилиб, концерт ва хайрия тadbiri ташкил этилди.

Бундан ташқари, Республика идораларо ишчи гуруҳининг Наманган вилоятидаги фаолияти якуни бўйича Халқ қабулхоналари, секторлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ўқув-семинарлар ташкил қилинди.

Ўрганишлар натижалари танқидий таҳлил қилинган йиғилишда «Инсон қадрини учун!» ғоясини амалга ошириш,

ислохотлар натижалари ҳар бир оилада, ҳар бир инсон ҳаётида сезилиши учун «Маҳаллабай» ишлашнинг янги тизимини самарали амалга оширишдаги ўзаро ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлаш бўйича секторлар кесимида аниқ вазифалар, муддат ва масъуллар белгиланиб, ижроси назоратга олинди. Вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий аҳоли нисбатан оғир бўлган 54 та маҳаллани ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий муҳитни янада яхшилаш бўйича ҳар бир маҳалланинг «Йул харитаси» ишлаб чиқилди.

«САЙЛОВ — 2022»

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИ: Бу шунчаки кампания эмас, жамият тараққиётини белгилувчи мезондир

Давоми.
Бошланғич 1-саҳифада.

САЙЛОВНИ ҚАЙСИ ТУЗИЛМА ТАШКИЛ ЭТАДИ?

— Тартиб бор жойда қўйилган самарга эришиш мумкин. Шу маънода маҳалла раислари сайловини қим ташкил этади ва ўтказилади?

Нуриддин ШАРИПОВ,
Тошкент вилояти.

— Маълумки, авваллари мазкур сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масаласи билан республика даражасида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг комиссияси шуғулланарди. «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови туғрисида»ги қонунга мувофиқ, эндиликда алоҳида тузилмадаги Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси бу жараёнга масъул саналади.

Республика комиссияси таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

Ўз навбатида, сайловни ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳудудларда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади. Қолаверса, ҳар бир маҳаллада фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғинлиги) қарори билан ишчи гуруҳ тузилади.

Сенат қарори асосида Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссияси тузилди. Сайловнинг тadbирлар режаси ҳамда сайлов бюллетени намунаси тасдиқланди. Бундан ташқари, сайлов жараёнлари билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

Бу йилги сайловларда 9 349 та маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайланиши кутилмоқда. Ҳозирда барча маҳаллаларда сайловга тайёрлик ишлари кетмоқда. Биз эса қуйида ана шу жараённинг муҳим жиҳатларига эътибор қаратамиз. Саволларимизга Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирилик бошқарма бошлиғи Элмурод ҚАРШИЕВ жавоб беради.

КИМЛАР РАИСЛИККА НОМЗОД БЎЛИШИ МУМКЎН?

— Ёшим 40 да, бир ҳудудда камида 15 йилдан буюн яшайман. Тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Сайловда номзод бўла оламанми?

Нурали ҚОСИМОВ,
Тошкент шаҳри.

— Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инobatта олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида

ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тadbиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

— Сайлов жараёни қандай ўтказилади? Вакиллар қай тартибда овоз беради?

Жавлон АЛИХОНОВ,
Қашқадарё вилояти.

— Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғини) ишчи гуруҳининг раҳбари раислигида ўтказилади. Номзодларнинг маърузалари, уларнинг муҳокамаси, саволлар ва жавоблар учун вақт белгиланади.

Раислик қилувчи номзодларни эълон қилади, уларнинг ҳар

бирига сўз беради. Номзодларнинг маърузаси алифбо тартибда ўтказилиб, номзодлар ўзининг келгуси фаолияти дастурини эълон қилади. Шундан сўнг, фуқаролар йиғини раисини сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Вакилларга сайлов бюллетенларини бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади. Бюллетенга номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилади.

Бюллетень яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи

бюллетеннинг ўнг томонида ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган буш катакка «+», «✓» ёхуд «х» белгисини қўяди ва сайлов қутисига ташлайди. Сайлов қутилари овоз бериш тугагандан кейин санoқ комиссияси томонидан очилади ва ҳар бир номзод бўйича санаб чиқилади. Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланган деб ҳисобланади.

САЙЛОВ ҚАЧОН ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛАДИ?

— Қайси ҳолларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас, деб топилади?

Сардор ТУРОПОВ,
Сирдарё вилояти.

— Агар сайловда иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камроғи жараёнда иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган, деб топилади. Сайлов фуқаролар вакиллари-

нинг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакиллари учдан икки қисмидан камроғи иштирок этган бўлса ҳам сайлов ўтмаган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган ва овоз бериш йўналишига таъсир қилган қондабузарликлар туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилгани мумкин.

ВАКИЛЛАРГА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛАДИ?

— Фуқаролар йиғини раисини вакиллар сайлаши маълум. Ҳўш, қонунда вакилларга қандай талаблар қўйилган? Азамат НУРАЛИЕВ,
Фарғона вилояти.

— Сир эмас, олдинги амалиётда маҳалла раиси фуқаролар йиғини томо-

нидан эмас, балки фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан сайланарди. Бунда сайловчилар номидан атиги 50-80 нафар вакил овоз берарди, холос. Янги тартибга кўра, сайловда фуқароларнинг ўзлари кўпроқ иштирок этишини таъминлаш мақсадида ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакилликнинг минимал нормаси белгиланди. Бунда

вакиллар сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида ўн икки фоизини ташкил этади.

Дейлик, бундай ҳолатда маҳаллада яшовчи ўртача 3 минг нафар сайловчи номидан 360 нафар вакилнинг сайловда иштирок этиши таъминланади. Ўз навбатида, фуқаролар вакиллари ҳам тала-

блар ўрнатилган. Бунда ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли кишиларнинг вакиллар сифатида сайланишига эришиш фуқаролар йиғинларининг келгуси фаолиятида муҳим ўрин тутади. Раис лавозимига курсатилган номзодлар ёки уларнинг яқин қариндошлари вакил бўлиши мумкин эмас.

Қишлоқ ва маҳаллаларнинг 49 тасида жамоат транспорти қатнови ҳамда 781 тасида чиқинди йиғиш хизматлари йўлга қўйилмаган.

Бу йилги қарор билан эса 2022-2026 йиллар учун, яъни 5 йиллик дастур қабул қилинди.

ОДАМЛАР ОБОДА МАҲАЛЛАЛАРДА ЯШАШИ КЕРАК

2022 йил учун қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган жами 413 та қишлоқ ва маҳалла танлаб олинди



Қишлоқларга инфратузилма борсагина, ҳаёт сифати ўзгаради, тадбиркорлик ривожланади. Шу боис бу йил «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари янги ёндашувлар асосида шакллантирилди. Аҳоли талабларидан келиб чиқиб, маҳаллада бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Баҳром ҚўШБАКОВ, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ходими.

Жорий йилги режада катта мақсадлар кўзланган. Зеро, дастур бўйича нафақат қишлоқ ва маҳаллаларнинг йўли ёки қиёфасини яхшилаш, балки у ерда яшовчи аҳолининг даромади кўпайиши, ижтимоий объектлар тўлиқ ишлаши белгиланган. Энг асосийси, ҳақиқий обод маҳаллада «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» бўлмастаси лозим. Бунинг учун тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш зарурлигига алоҳида эътибор берилган.

Статистикага кўра, сўнгги уч йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 1500 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллалардаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди, хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди, шунингдек, уларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бирок, республикада ўтказилган хатлов натижасида ижтимоий-иқтисодий муаммолари кўп бўлган 1071 та қишлоқ ва маҳаллалар мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, қишлоқ ва маҳаллаларнинг 179 тасида пахсадан ва хом гиштдан қурилган умумтаълим мактаблари

(мактаб филиаллари) фаолият кўрсатмоқда, 5568 тасида 29 минг километр тупроқ йўллар қаттиқ қопламага (кумшағал, асфальт) ўтказилмаган, 1540 таси маркашлаган ичимлик суви билан таъминланмаган, шунингдек, 49 тасида жамоат транспорти қатнови ҳамда 781 тасида чиқинди йиғиш хизматлари йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида айтилиши каби муаммолар босқичма-босқич ечилиши кўзда тутилмоқда. Яъни 2022 йил учун қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган жами 413 та қишлоқ ва маҳалла танлаб олинди.

Танлаб олинган қишлоқ ва маҳаллалардаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг манзилли дастурлари тасдиқланган.

Яъни жорий йил дастурнинг молиялаштириш манбалари, минтақавий йўллар (ички кўчалар) ва ичимлик суви таъминоти тизимларини, электр, газ таъминотини, уй-жой фондини, фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари комплекслари, бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ҳамда таъмирлаш, алоқа, ахборотлаштириш ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг мақсадли па-

раметрлари ва 2022 йил учун уларнинг манзилли рўйхатлари тасдиқланди.

Шу билан бирга, қарорга асосан, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 17 та жорий таъмир, 76 та капитал таъмир, 99 та янги қурилиш, жами 192 та маҳалла бинолари замановий қиёфа касб этади.

Унда маҳаллада фаолият юритувчи янги институт вакилларига муносиб иш шароитлари яратиш белгиланган. Жумладан, бир тану бир-жон бўлиб, тизимли ишларни олиб бориш мақсадида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчининг, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори маҳалла биноларида жойлаштирилади.

Бундан ташқари, республика бўйича дастур доирасида 61 та маҳалла гузарлари қурилиши режалаштирилган.

Энг муҳими, бу банд билан тасдиқланаётган мақсадли параметрлар ва манзилли рўйхатларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақлифлари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилди.

Республика бюджетидан дастурлар доирасида ички йўлларни таъмирлаш учун 2 триллион сўм ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун 1 триллион сўм маблағ ажратилди.

Тан олиш керак, аввалги дастур ижросида айрим қишлоқ ва маҳаллалардаги ишларда бироз вақт ўтгач, хато ва камчиликлар юзга келганди. Жумладан, таъмирланган мактаблар йил тугамай яна таъмирталаб бўлиб қолиши, йўлларнинг ярми асфальтланиб, ярми қолиб кетгани, таълим ва тиббиёт муассасаларига маҳаллий бюджет пуллари вақтида ажратилмагани кўп бор танқид қилинган.

Сўнгги уч йилда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 1500 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллалардаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Жорий йилги қарорда мана шу муаммога ҳам ечим кўрсатилган. Энди «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ҳамда эксплуатация қилишни ташкил этиш тартиби ҳам белгиланган. Унга кўра, 2023 йилдан бошлаб қишлоқ ва маҳаллалардаги мавжуд ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларининг ҳақиқий ҳолати тасдиқланган мезонлар асосида баҳолаб борилади. Баҳолаш натижаларига кўра энг паст кўрсаткич қайд этган ва ўтган давр мобайнида дастурларга киритилмаган қишлоқ ва маҳаллалар дастурларга биринчи навбатда киритилади.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимли-

клари билан биргаликда жорий йил 15 майга қадар ишлаб чиқилган мезонлар асосида қишлоқ ва маҳаллаларни баҳолашдан ўтказиши ва уларнинг реестрини шакллантиради.

Худудий ҳокимликларда 2022 йил 15 апрелга қадар қишлоқ ва маҳаллаларда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг манзилли рўйхатларига мувофиқ объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши таъминланади. Бунда ҳар бир объект идентификация рақами берилган ҳолда, «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими ва «Бюджет назорати» электрон дастурига киритилади.

Авваллари ишлар ҳажми ва смета қиймати асосида ошиб кетиши кузатишлар ва бу охирида муаммога сабаб бўларди. Қарорда бу бўйича ҳам алоҳида назорат ўрнатилиши белгиланди.

Дастурлар доирасида амалга ошириладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига, биринчи навбатда, шу ҳудудда яшаётган ҳамда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»дан бирига киритилган ёки меҳнат миграциясидан қайтган ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли жалб этилади. Бу билан аҳолини иш билан бандлиги таъминланади.

Қарордаги яна бир янгилик: шу вақтгача «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари учун ҳар йили алоҳида қарор қабул қилинарди. Бу йилги қарор билан эса 2022-2026 йиллар учун, яъни 5 йиллик дастур қабул қилинди. Бунда ҳар йилги ишлар ҳажми ва режаси аниқ белгилаб берилган. Келгуси йилларда ҳам амалдаги тартиб бўйича ишлар давом эттирилади.

МАҲАЛЛАДАН МАКТУБЛАР

«Жонкуярлик бўлмаса, муаммо ечим топмайди»

Маҳаллага бугун катта эътибор берилмоқда. Жорий йилнинг «Инсон манфаатлари ва фаол маҳалла йили» деб номланиши улкан маъно ва моҳиятга эга. Зеро, амалга оширилаётган ҳар бир ишимиз замрида инсон манфаати мужассам. Бу борадаги ишлар эса маҳаллаларда бўй курсатади.



Маҳалла деганда, мен фақат маҳалла ҳудудини, инфратузилмасини обод қилиш эмас, балки шу маҳаллада яшовчи аҳолининг, кексаю ёшнинг жамиятда фаол бўлиши, юртга нафи тегиши, мамлакат тараққиётига ҳисса қўиши, билимли ва салоҳиятли бўлишини тушунаман. Яъни ҳар бир фуқаро ўз маҳалласи билан фахрланиши баробарида камчилик ёки муаммоларни кўтариб чиқиши, уни бартараф этиш ҳақида бош қотириши лозим.

Ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, бугун маҳалламиз аҳолиси ҳудуд ривожига дахлдорлик туғуси билан яшамоқда. Муаммони кўтариб чиқиш баробарида уни ечишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Аини пайтда маҳалламизда 4623 нафар аҳоли истиқомат қилади. Юқоридаги дахлдорлик ҳисси ҳақидаги гапимнинг исботи — яқинда йиғин биносини ўзимиз, ҳомийлар кўма-

га таъмирладик. Раис сифатида 2016 йилдан бери ишлайман Шу йиллар мобайнида жуда кўп муаммоларнинг ечими ҳақида бош қотирганмиз. Аммо сўнгги 2 йилда ижрода яққол ўзгариш сезилди. Мисол учун, 6 та кўчамизнинг 4 тасининг ички йўллари шағалланди. Боғ ва Ёшлик кўчасидаги ичимлик суви муаммоси ҳам аҳоли иштирокида, уларнинг ташаббуси ва ёрдамида ҳал этилди. 500 метрлик сув тармоғи янгиланди. Ярни асфальтланди, қолган қисми шағалланди. Хашар йўли билан маҳалла гузари қурилди.

Шу кунлардаги муаммомиз — ёшларимиз учун спорт майдончаси йўқ. Бу масалада туман ҳокимлигига мурожаат қилганмиз. Жой ажратиб беришларини кутяпмиз. Яна бир масала — айнан бизнинг маҳаллада бир неча йиллардан бери табиий газ етишмовчилиги кузатилади. Ёнимиздаги маҳалаларда газ бор, бизда эса йўқ. Бу ҳақда сектор раҳбарига ёзма маълум қилганмиз, «Тумангаз» раҳбариятига ҳам айтганмиз.



2022 йил апрель ойида янги газ тармоғига уланади, дейишяпти.

Шунингдек, кўчаларимизни тунги ёриткич билан таъминлаш режаси айрим сабабларга кўра тўхтаб турибди. Ўз маблагимиз билан ёриткич ўрнатиш имконига эгамиз, ammo электр тармоқлари корхонаси масъулларининг айтишича, унинг тўлови ҳам аҳоли гарданида экан. Шу боис иккиланиб турибмиз.

Таъкидлаш керакки, маҳаллада ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси лавозими жорий

этилиши натижасида ишимиз анча осонлашди. Мисол учун, хатлов натижаларига кўра, ҳоким ёрдамчиси томонидан 9 нафар фуқаро тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредитга тавсиянома берилди. Аини кунда банк томонидан ушбу кредитлар расмийлаштириляпти. Яқин кунларда 9 нафар ишсиз фуқаро чорвачилик, кўенчилик, паррандачилик, тикувчилик ва иссиқхона йўналишида фаолиятини бошлайди. Ҳозирда паррандачилик йўналишида 2

нафар фуқароимиз — Исомжон Қосимов ва Феруза Абдуллаевага 3 йилга 6 ойлик имтиёзли даври билан ажратилган кредит эвазига 50 тадан товуқ берилди.

2021 йилда боқувчисини йўқотган Соҳиба Халилова ва Наргиза Рўзиевага имтиёзли кредит орқали уй олишига кўмаклашилди. «Ёшлар дафтари»даги 5 нафар маҳалладошимизга инкубатор, яна 5 нафарига тикув машинаси олиб берилди. «Темир дафтар»даги 4 нафар фуқарога 10 йил фойдаланиши учун 10 сотихдан ер берилди.

Шу ҳафта ДЕҲҚОНБОВ,
Уйчи туманидаги
«Фоқуқча» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

Президентимизнинг жорий йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби сақланган ҳолда жорий этилади.

Улуғбек ИБРАДИНОВ.



Хотин-қизлар фаоли йиғин раисининг яқин ҳамкори

Фармонга асосан, йиғилиб қолаётган масалалар ҳисобга олиниб, аёллар масаласи билан алоҳида шуғулланувчи мутлақо янгича тизимнинг вужудга келаётгани кувонарли ҳол, албатта. Хотин-қизлар фаоли амалда маҳаллаларда раисларга соҳа бўйича яқин ҳамкор, маслаҳатчи ва ёрдамчи бўлиши кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, улар хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникма олишлари, муносиб иш топишлари ва ҳар томонлама қўмақлашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш билан шуғулланади.

Тураржойга муҳтож аёлларимизни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шартларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаб олиш ҳам уларнинг зиммасида. Бундан ташқари, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни «Аёллар дафтари» орқали манзилли қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларга таъзиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш ҳам янги лавозимга тайинланадиган ходимларнинг асосий вазифаларидан саналади.

ҚАЙСИ МАСАЛАДАРДА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН?

Республика, вилоят, туман, шаҳарлардаги фаоллар, асосан, ташкилий ишлар билан шуғулланиши барчамизга

маълум. Маҳаллалардаги фаоллар эса бевосита жойлардан туриб, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ғояларини амалга ошириш, кредит, субсидия ва бошқа ёрдам чораларини жалб қилиш, умуман, аёлларимизнинг турмуш даражасини юксалтириш билан шуғулланади. Ҳоким ўринбосарлари билан ҳамкорликда мазкур эзгу мақсад йўлида жонбозлик кўрсатишади.

Бугунги кунда маҳаллаларимизда тадбиркорлик қилиш режасини тузиб юрган аёллар кўплаб топилади. Аммо уларнинг режалари, ташаббуслари аксар ҳолларда эркаклардан иборат маҳалла раислари, ҳокимлик вакиллари, банклар ходимлари томонидан кўриб чиқилмоқда. Кўпича хотин-қизларимиз ўз мақсадларини бу инсонларга батафсил тушунтиришга қийналишади,

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолганларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб боради.

Баъзан эса ўзбекчиликка бориб йиманадиганлари ҳам йўқ эмас. Эндиликда мазкур масалаларда ташаббускор аёллар билан хотин-қизлар фаоллари шуғулланишади.

ишларни амалга ошириб, уларни жамиятимизнинг фаол аъзоларига айлантириш режаларини ишлаб чиқадилар. Хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолганларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб боради. Уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этишади. Тўғри-да, ахир, хотин-қизлар муаммосини улардан ўзга ким ҳам чуқурроқ тушуна оларди.

Умуман, фармонда гендер тенгликни таъминлашда янги тузилманинг ўрни аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Ўйлаймизки, янгича тартиблар соҳадаги мавжуд масалаларни ижобий ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

МАНЗАРА

«Ҳаракат қилган одамнинг ҳаловати бўлади»

Маҳалламиз Паркент туманининг сўлим Қорақалпоқ қишлоғи ҳудудида жойлашган. Худудда 2009 нафар аҳоли истиқомат қилади. Кўпчилик помидор, қалампир, гул кучатлари етиштириш билан шуғулланади. Қолаверса, аҳолининг яна бир қисми вилоятдаги саноат корхоналарида ишлайди.

Ёшлар, аёллар бандлигини таъминлашга ҳаракат қилишимиз. Ўтган вақт давомида номли дафтарларга киритилган фуқароларнинг деярли барчаси кредит, ер ажратиш бериш ҳисобига ишли бўлди. «Маҳаллабай» ишлаш тизими бизга қўл келди, мен бу тизимнинг натижа беришига ишонаман. Ҳозирнинг ўзида айрим ижобий натижалар бор. Ҳоким ёрдамчиси, Бандликни таъминлаш марказидан бириктирилган ходимлар билан барча хонадонларни айланиб, одамларни қийнаётган масалаларни ўрганиб чиқдик. Уларга кредит олишга қўмақлашдик. Бунда асосий ургуни ишсиз фуқароларга қаратдик.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ҳам эътиборимизда. Жумладан, электр энергиясидан муаммоларимиз йўқ. Ўтган йили 50 та симёғочлар янгисига алмаштирилди. Сув қувурлари тортилиб, ичимлик суви масаласига ечим топилиди. Худудимизда 7 та 5 қаватли уилар қурилмоқда. Уларнинг канализация тармоғи ҳам алоҳида тортилди. Бизни қийнаётган ягона муаммо – бешта кўчамизнинг асфальтланмагани билан боғлиқ. Тўғри, асфальт қилиш қимматроққа тушади, шу боис, ҳеч бўлмаса, шағаллаштириш



имконини қилиш бўйича масъул ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Жавобини кутяпмиз...

Ҳаракат қилган одамда камчиликлар бўлмайди. Йиғинимизда айна шу тамойил асосида ишни йўлга қўйганмиз. Ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли лавозимларининг жорий этилгани ишимизга анча энгиллик олиб кирди. Авваллари раислар ҳар қандай масалада ўзлари шуғулланишга мажбур эди, бугун эса уларнинг ўз эгаси бор.

Очиғи, масъул котиб штати тугатилгач, бир муддат қийналдик. Ҳозир анча кўниккан бўлсак-да, барибир хат-ҳужжат ишларига битта одам керак. «Маҳаллабай» ишлаш асосида кунимиз кўчада ўтади, идорада эса жадвалларни тўлдириб, ҳисоботлар тайёрлаш, хатларга жавоб бериш керак. Ултуриш бироз қийин бўляпти. Бироқ ҳозирча бу штат берилмас экан, ишни тўғри ташкил этган ҳолда, масалаларга ечим топишимиз керак.

НУҚТАИ НАЗАР

«Алимент пули олиб, ЯЛЛО қилиб яшайман...»

Рансларга қўшимча штат ажратилиши кераклиги тўғрисида кўп гапирилди. Бу тўғри. Агар биз ҳақиқатдан ҳам маҳалла тизими белгиланган топшириқларни вақтида, сифатли бажариши, муаммоларни тезликда ҳал этиши, шу билан бирга, тегишли ҳужжатларни ҳуқуқий савод билан тўлдиришини истасак, қўшимча штат бўлиши керак эди. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиларининг тайинланиши ана шу камчиликнинг ўрнини босади, деб ҳисоблайман. Акс ҳолда кўп ишлар ўлда-жўлда, чала қолаверарди. Идора фаолиятдан ҳаммани бирдек рози қила олмаймиз. Чунки шунчаки вақт етмайди.

Маҳалламизда салкам 4 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунга яраша муаммо ва ютуқларимиз бор. Меҳнат миграциясидаги фуқароларимиз кам. Кўпчилик ўзимиздан иш топади. Ажралишлар кам бўлса-да, афсуски, бўлиб турибди. Шўкрки, 3 йилдан буён худудда биронта жиноят кузатилмади.

Тажрибамдан келиб чиқиб айтаман. Келин бўладиган қизларимизнинг тарбиясида жиддий қарамай қўйдик. Яқинда бир оилани яраштириш учун боргандим. Кўев туппа-тузук жойда ишлайди. Маоши ҳам ҳавас қилгулик. Соғлом, ёш, чиройли. Хуллас, бир келинни бахтли қиладиган йиғит. Оилада икки фарзанд бор. Шунга қарамай, келинчақ ажрашаман, деб туриб олган. Онаси ақл ўргатапти. Эрдан икки ярим миллион сўм алимент олиб, яна ўзи ўқитувчилик қилса, маъза қилиб яшайверармиш. Тўғриси, кувейнлик арзигулик айбини тополмадим. Бир гуноҳи сигарет чекаркан. Келинга қўл кўтармайди. Яширин хотини йўқ, пиёниста эмас. Биз кўриб турибмиз, гувоҳи бўлиб турибмиз. Келинчақ шунчаки қайнона-қайнотага, эрга хизматини миннат этапти. Алимент пулини олиб, ялло қилиб яшамоқчи, холос. Икки боланинг отасиз усиши унга фожиа бўлиб туюлмаяпти.

Менимча, шу каби ҳолатларда судлар маҳалла фаолларининг фикрига эътибор қаратса, яхши эди. Аёлларга ҳам оилавий ажралишларнинг сабабчиси бўлишганида айрим таъсир чоралари қўлланилиши керак.

Малика АБДУРАҲМОНОВА,
Қўштепа туманидаги «Кўрғонча»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Дилшод АБДУРАҲИМОВ,
Паркент туманидаги «Кўрғонча»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Нафақани тайинлаш ёки рад этиш қарори ҳақида аризадаги СМС хабар орқали маълум қилинади.

Одамлар кўпми, демак, уларнинг ўзига яраша ташвишлари, муаммолари ҳам шунча демакдир.



БОЛА ПУЛИ КИМЛАРГА, ҚАЙ ТАРТИБДА ТАЙИНЛАНАДИ?

БИЛАСИМИ?

Бола нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашда кимларнинг муурожаати рад этилади? Кимлардан эса расмий даромад талаб этилмайди? Аҳолини қизиқтираётган шу ва бошқа саволларга атрофлича жавоб бериб ўтамиз.

Хабарингиз бор, бугунги кунда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига 16 та вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан 49 турдаги маълумотлар электрон олинмоқда. Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш ёки рад этиш «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда олинган маълумотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан оиланинг таркиби бўйича тақдим этилган маълумотларга асосан аниқланади.

Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва Пенсия жамғармаси ходимлари нафақа тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Нафақани тайинлаш ёки рад этиш қарори ҳақида аризадаги СМС хабар орқали маълум қилинади.

Зайиндин АРАЛОВ, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бошқарма бошлиғи.

АРИЗА ВА ХУЖЖАТЛАР КИМГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ?
Болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза зарур ҳужжатлар билан бирга, бевосита ариза берувчининг доимий ёки вақтинча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи қабул қилган аризаларини ҳар 5 кунда, би-

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш куйидаги ҳолларда рад этилади:

- оиланинг ҳар бир аъзосига белгиланган даромад меъёри минимал истеъмол харажатлари миқдоридан (498 557 сум)дан юқори бўлганда;
- 2 ва ундан ортиқ кўчмас мулкка ёки бир ва ундан ортиқ нотурар жой бинолари мавжуд бўлганда;
- оила аъзоларининг ўз номига расмийлаштирилган ёки бош ишончнома асосида фойдаланаётган ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган техник ҳолати соз бўлган энгил автотранспорт воситаси бўлганда;
- ишлаб чиқарилган муддати 15 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган юк ташувчи автотранспорт воситаси, автобус, микроавтобус, экскаватор, трактор, комбайн, юк ташувчи автотранспорт воситаларининг тиркамалари ва ярим тиркамалари, автоқран ва бошқа қурилиш техникаси;
- 2 ёки ундан ортиқ техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжуд бўлганда;
- ариза берувчи ва оила аъзоларининг тижорат банкларидagi депозит ҳисоб рақамларида ариза берган ойда меҳнатга ҳақ тулашнинг энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқроқ миқдорда маблағлар мавжуд бўлганда;
- ариза берувчи ва оила аъзоларининг меҳнатга ҳақ тулашнинг энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқроқ миқдорларда қимматли қоғозлар мавжуд бўлганда;
- Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Президент давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона кўмитаси, Мудофаа саноати кўмитаси ҳамда

роқ жорий оининг 19-санасига қадар Пенсия жамғармаси бўлимига ариза ва тўлиқ тўпلامдаги ҳужжатларни тақдим этади.
Пенсия жамғармаси бўлими фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тақдим этилган аризаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига ҳар куни, бироқ жорий оининг 26-санасига қадар киритади.



уларнинг тизимидаги ташкилотлари хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари, шунингдек, пенсионерлари томонидан аризалар тақдим этилганда;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги Низомга асосан пенсиялар билан таъминланганда;
- оилада меҳнат органи томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда;
- оилада охириги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси меҳнат органининг ишга доир тақлифини икки ёки ундан ортиқ мартаба рад этганда;
- даромаднинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охириги 6 ой мабуйида иш излаб меҳнат органига ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ туланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлганда нафақалар тайинлаш рад этилади.

Шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилага қонунчилик ҳужжатларида белгиланган хизматлардан фойдаланиш ва имтиёزلарни олиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали маълумотнома тақдим этилади. Энг муҳими, болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун зарур маълумотларни тегишли вазирлик ва идораларда электрон маълумот базасини шакллантириш орқали тизимни тўлиқ автоматлаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

1 апрелдан қандай муҳим ўзгаришлар бўлади?

Қонунчиликка асосан, 2022 йил 1 апрелдан:

- ▶ **Боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг** фарзандлари давлат боғчаларига туланадиган ота-оналар бадалидан озод қилинади. 3 ёшгача фарзандлари учун нодавлат боғчаларга бюджетдан субсидиялар ажратилади.
- ▶ Тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат боғчаларига 2 ёшдан 3 ёшгача болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга рухсат берилади. Кечки сменада хотин-қизлар ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ўз ҳузурда боғча ташкил қилганда, улардаги тарбиячиларнинг иш ҳақи бюджетдан қоплаб берилади.
- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида **1-4-синф ўқувчилари бепул оқват** (нонуста ёки тушлик) билан таъминланади. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига **3 миллион сўмгача** бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилади.
- ▶ Тадбиркорликни янги бошлаётган хотин-қизларга ажратилаётган субсидия миқдори **7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга** оширилади. «Хунарманд» уюшмаси қошидаги хунармандчилик марказларида **камиди 40 физ тадбиркор хотин-қизлар** томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилади.
- ▶ 2022 йилда субсидияларнинг камиди **40 фоизи хотин-қизларга** йўналтирилади. Ижарада турган «Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга **ижара тўловининг 50 фоизи**, кўпи билан **500 минг сўмгача** компенсация берилади.
- ▶ Ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир мартаба **санаторийларда бепул соғломлаштирилади**. Шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга рецептга асосан 3 ойлик эҳтиёж асосида **дорилар, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари** олиб берилади ҳамда жаррохлик амалиётларининг харажатлари қопланади. Оғир ташхисли касал ҳамда ногирон кексаларга шифокорлар рецептларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг **50 физгача суммаси компенсация** қилинади. Кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун **абонемент харажатлари** қопланади. Давлат театрлари ва музейларига кексалар учун чипта нархлари **тўлиқ қоплаб берилади**.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«Маҳалла райиси психолог бўла олиши лозим»

Маҳалламиз ҳудуддаги энг қатта аҳоли пунктларидан бири. Ҳозир бу ерда 6,8 минг нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Одамлар кўпми, демак, уларнинг ўзига яраша ташвишлари, муаммолари ҳам шунча демакдир.

Зулхумор Йўлдошева, Тахнатош туманидаги «Тахнатош» маҳалла фуқаролар йиғини райиси.

Маҳалла аҳлини қийнаётган энг қатта масала, бу – ишсизлик. «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларни утган давр мобайнида иссиқхоналарга, ишлаб чиқариш корхоналарига, тикувчилик цехларига ишга жойлаштирган бўлсак-да, ҳали-ҳануз иш жойларига эҳтиёж қатта. Авваллари маҳаллада ишлаб чиқариш корхоналари кўп бўлган. Ҳозир эса уларнинг сони бармоқ билан санарли. Худудда кластер ташкил этилиши режалаштирилган. Агар бу иш амалга ошса, фуқаролар маҳалланинг ўзида ишли, оиласи бағрида бўларди.

Шунингдек, оддий муаммолардан фожиа ясаб, келишмай қолганларни яраштириш –

маҳалла ишидаги энг қийин вазифалардан, деб биламан. Мактабни эндигина битирган йиғитларни уйлантириш, уй-рўзғор ташвиши, ишларига умуман тайёр бўлмаган қизларни турмушга чиқариш гоҳида мана шундай – арзимас нарсалар учун жанжалларга сабаб бўлмоқда. Бундай оилалар билан ишлашда эса **психологлар хизматига таянамиз**. Афсуски, маҳалланинг ўзида бундай лавозим йўқлиги туфайли мактаб психологлари жалб қилишга тўғри келади.

Албатта, бу ўринда **маҳалла райисининг ўзи ҳам психолог бўла олиши лозим**. Муурожаат қилаётган фуқарога, аввало, яхши муносабатда бўлиб, у жаҳл отига минган бўлса, яхши сўз билан

тинчлантириб, кейин унинг дардини, фикрини чуқур эшита олиш лозим. Психолог бўлмасангиз, фуқаронинг дардини, муаммосини инсон сифатида тушуна олмасангиз, муурожаатнинг нафи бўлмайди, унга ечим ҳам топа олмайсиз, ҳатто фуқарога фикрингизни тушунтира олмайсиз.

Яна бир гап: шундай вақтлар бўлдики, маҳалла райислари қишлоқ ҳўжалиги ишларига оид ҳисоботлар юритиш, солиқ йиғимларини ундириш, ноқонуний қурилишларни бузиш, тизимга алоқаси йўқ турли йиғилишларда қатнашиш каби ўз фаолиятига мутлақо дахлдор бўлмаган юмушларга жалб этилди. Ҳозир ҳам бу каби ҳолатлар учраб турган бўлса-да, шукрки, анча ка-



майди. Энди раис одамлар билан ишлашга вақт топяпти. Бунда эса аҳоли муаммосини кабинетда

ўтириб эмас, уйига борган ҳолда урганиб, тахлил қилиб, ижобий ҳал қилишга эришиш лозим.

Давлатимиз раҳбарининг ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта куриб чиқилиши зарурлиги бўйича берган топшириқлари ижросини таъминлаш юзасидан педагог кадрларни аттестациядан ўтказишнинг янги тартиби ишлаб чиқилди. Бунда жараёнларни адолатли ва шаффоф ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган.



Мақсадбек ФАЙЗ.

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ АТТЕСТАЦИЯСИ ШАФФОФ УЎТЯПТИМИ?

Йили кунларда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида Тошкент шаҳридаги ўқитувчилар учун педагоглар аттестациясининг малака (тест) синовлари бўлиб ўтмоқда. 2 апрелга қадар давом этадиган синовларда 22 та фан бўйича 13 минг нафардан ортиқ ўқитувчи иштирок этиши кўзда тутилган. Малака (тест) синовлари реал вақт режимида, барча қулайлик, шарт-шароитлар яратилган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминланган хоналарда онлайн тарзда ўтказилмоқда.

Бугунги кунда тизимга жорий этилган ўзгаришлар натижасида эндиликда ўқитувчилардан тоифани ошириш учун фақат билим, педагогик маҳорат, психологик тайёргарлик ва фаолият натижадорлиги талаб қилинади.

ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КИРИТИЛДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида такомиллаштирилган педагог кадрларнинг аттестациядан ўтказишнинг янги тартибига кўра, бир тоифадан кейинги тоифага ўтишдаги 5 йиллик муддат чеклови олиб ташланди. Ўз устида ишлайдиган ва малакали педагоглар эндиликда 1 йилда икки маротаба тоифа синовларида иштирок этишлари мумкин.

Шу билан биргаликда педагогларга уйда ёки ишхонасида туриб ўзи

Юқоридаги қарор билан вазирликлар ва идоралар ҳамда таълим муассасалари миқёсидаги аттестация комиссияларини тузиш ва йилга жилд орқали ҳужжат топшириш амалиёти бекор қилинди.

электрон тизим орқали тўғридан-тўғри ҳужжат топшириш имконияти яратилди ва бунда инсон омилли бўлмади.

Хусусан, юқоридаги қарор билан вазирликлар ва идоралар ҳамда таълим муассасалари миқёсидаги аттестация комиссияларини тузиш ва йилга жилд орқали ҳужжат топшириш амалиёти бекор қилинди. Бунинг ўрнига ўқитувчи аттестациядан ўтиш учун Давлат хизматлари маркази, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Таълим инспекциясининг веб-сайти орқали мурожаат қилиш тартиби жорий этилди.

Яна бир муҳим ўзгариш — таълим ташкилотларида 15 йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлган олий малака тоифага эга педагог кадрлар, уч ёшгача болалари бор аёл ўқитувчилар, пенсионерлар ҳамда ҳомиладор аёллар, улар ҳомиладор бўлган даврда ҳамда ишга чиққанидан кейин бир йил давомида

навбатдаги мажбурий аттестацияга жалб этилмайди.

Фаоллиги ва меҳнати билан ютуқларга эришган педагог кадрларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланган педагог кадрлар, «Устоз» миллий мукофоти ғолиблари, «Worldskills» мусобақалари совриндорларини тайёрлаган таълим ташкилотларининг педагог кадрлари, республика миқёсидаги фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрларнинг малака тоифаси (лавозими) бир поғонага оширилади.

Шу билан бирга, қарорда нодавлат таълим ташкилотлари педагогларига аттестациядан ўтиб, тоифа олиш ҳуқуқи берилиши ҳам назарда тутилган. Бунда педагогларнинг малака тоифалари улар бошқа таълим ташкилотига, таълим ташкилотининг бир туридан бошқасига ёки нодавлат таълим ташкилотидан давлат таълим ташкилотига ишга ўтганда сақлаб қолинади.

САВОЛЛАРДА НОАНИҚЛИК ВА КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ БОР

Инспекция томонидан берилган маълумотларга ўқитувчилар муносабатини ўрганганимизда, аксарияти жараёни янада такомиллаштиришга доир тақлиф ва эътирозлар ҳам билдирилганига гувоҳ бўлдик. Масалан, кўп педагоглар тестлар базасини янада юқори савияда шакллантириш учун саволлар ва жавоблардаги ноаниқлик ҳамда хатоликларни бартараф этиш лозимлигини билдиришган.

Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алломиш ва Барчиной» махсус тестлари қачон қабул қилинган?», деган саволнинг ўзи нотўғри тузилган. Чунки «Алломиш ва Барчиной» махсус тестлари Президентнинг тести эмас. «Баскетбол ўйини неча бўлим, неча дақиқадан иборат?», деган савол ҳам хато. Баскетбол ўйини бўлимлардан эмас, чораклардан иборат бўлади. «Халқаро стандарт бўйича стадионнинг югуриш бир айланаси неча метр?», деган савол аслида «Стадионда энгил атлетика югуриш йўлакларининг стандарт узунлиги неча метрга тенг?», шаклида берилиши керак эди.

Энг қизиғи, баскетбол майдон ўлчами бўйича берилган саволга жавоблар орасида тўғри вариант берилмаган. 40x20, 26x15, 30x15, 16x32 жавоблар орасида 28x15 (асос: Баскетбол назарияси ва услубияти. А.Пўлатов, Ф.Ғаниева, Б.Мирадилов, Д.Хасанова, Ф.Пулатов. Дарслик.157-бет) йўқ.

«Футбол ўйинида бурчакдаги байроқчалар баландлиги қанча?», деган савол ҳам аниқ эмас. Чунки футбол ўйини қоидаларида бурчакдаги бай-

роқчаларнинг баландлиги 150 см.гача этиб белгиланган. Ушбу савол жавоблари орасида 1.20 метр ва 1.50 метр деган жавоблар бор. Ҳар иккала жавоб ҳам манتيқан тўғри ҳисобланади.

«Гимнастика» сўзининг маъноси нима?», деган савол жавобидаги «яланғоч, кийимсиз, машқ қиламан, кийими йўқ» жавоблари мантиқан тўғри ҳисобланади. Бу ерда яланғоч, кийимсиз, кийими йўқ сўзларининг маъноси бир хил эмасми? Адабиётларда «Гимнастика» — кийимсиз (яланғоч), машқ қиламан», деган маънода экани кўрсатилган.

Бу саволлар онлайн репетиция тестида берилган бўлиб, ҳисоблаш мезонлари ҳам тушунарсиз. Аммо асосий тестларда ҳам шу каби камчиликлар бўлмаслигига ким кафолат беради?

Ўрганишларимизда яна бир муаммо кўзга ташланди. Яъни жуда кўп рус тили ўқитувчилари шахсий папкасида С1 имтиёз юкланган, аммо сўровномада ўша имтиёз техник камчилик билан кўринмапти. Натижада ўша ўқитувчилар берилган имтиёздан маҳрум бўлиб қолмоқда.

Тақлиф:

Тест синови якунида натижа билан бирга, тестни белгиланган кейин тўғри ва нотўғри жавобларни кўриш имконини ҳам бериш керак. Шунда савол тўғри тузилганми ёки йўқлигини аниқлаб, апелляция бериш имкони туғилади. Мисол учун, тест топширувчи ўзи аниқ билган савол жавобини белгиласа-да, компьютер уни хато ҳисоблаши мумкин. Шу боис якунида жавоб таҳлили ҳам берилиши адолатдан бўларди. Уйлаймики, мутасаддилар юқоридаги эътирозларни тўғри қабул қилиб, бартараф этишади.

БИЛАСИЗМИ?

Ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берганлар мукофотланади

Қонунчиликда бир қатор ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ваколатли органларга хабар берилганда ундирилган жаримдан мукофот пули бериш белгиланган.

- Хусусан:
- йўл ҳаракати қоидаларига оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида еҗағта портали орқали хабар берилади ва БҲМнинг 5 фоизи (13 минг 500 сўм) миқдориди;
 - дарахт ва буталарни ноқонуний кесиб ва шикастлашга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида Давлат экология қўмитасига хабар берилади ва БҲМнинг 1 бараваригача (270 минг сўмгача) миқдориди;
 - лицензиясиз ёки рухсатномасиз, хабарнома юбормасдан шундай ҳужжатлар талаб қилинадиган фаолият билан шуғулланганлик тўғрисида лицензия, рухсатнома бериш ваколатига эга органларга (масалан, хусусий нотариуслар бўйича Адлия вазирлигига) хабар берилади ва ундирилган жаримнинг 10 фоизи миқдориди;
 - коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодий жинойатларга қарши курашиш департаментига хабар берилади, ҳуқуқбузарлик туридан келиб чиқиб БҲМнинг 7 бараваригача (1 млн. 890 минг сўмгача) миқдорда;
 - харид чекларни бермасдан товар сотганлик ва хизматлар кўрсатганлик тўғрисида солиқ органларига махсус дастур орқали хабар берилади ва жаримнинг 20 фоизи миқдориди;
 - давлат молиявий назоратига оид қоидабузарликлар тўғрисида «Давлат аудити» тизими орқали хабар берилади ва ундирилган жаримлардан келиб чиқиб мукофот пуллари туланади.

МИНБАР



Қишлоғимиз туман марказидан 35 километр олисда, Туркманистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Одамлар, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик ортдан кун кечиради. Ҳудудда битта мактаб ва унинг филиали, шиφοхона, болалар боғчаси фаолият юритади. Тадбиркорлик яхши ривожланган, тури савдо шохобчалари, дўконлар аҳоли хизматида. Утган йили янги маҳалла биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Махмаюсуф ХУШВАҚТОВ,
Деҳқонobod туманидаги «Оқиртма»
маҳалла фуқаролар ийғини раиси.

«Ҳоким ёрдамчиси ташаббусни қўлга олди»

Ечимини қутаётган масалалар йўқ эмас. Энг аввало, бу ичимлик сув ва йўл билан боғлиқ. Қишлоғимизда ёз фаслида ичимлик сув билан боғлиқ муаммо юзага келади. Бу ерга 54 километр узоқликда жойлашган Торқоқчугай қишлоғидан сув келтирилади. Бироқ йўлда Оқиртмадан ташқари яна бешта қишлоқ борлиги, шунингдек, қишлоқдаги мавжуд ҳовуз сизими камлиги боис йиғилган сув аҳолига етмасди. Шу боис қишлоқ аҳли ёзда сувсизликка дуч келарди. 2021 йилда эса сувнинг тоннасини 40 минг сўмдан сотиб олиб ичишга ҳам мажбур бўлган.

Албатта, муаммони кимдир келиб ҳал қилиб беришни кутиб ўтирганимиз йўқ. Халқимиз ташаббускор, улар билан ҳамжиҳатликда айна камчиликлар ечимига киришганми. Бунда, айниқса, ҳоким ёрдамчиси институтининг жорий этилгани ва уларга ташаббускор вакиллар бириктирилгани қўл келмоқда. Жумладан, Оқиртма қишлоғида иш бошлаган ҳоким ёрдамчиси Хусниддин Жумаев ташаббуси билан ҳудудда бир вақтнинг ўзида 400 метр/куб ичимлик суви тупланадиган ҳовуз қурилмоқда.

Аҳоли жонқуяр ва фидойи бўлгани боис ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, ҳашар йўли билан 1977 йилда қурилган ва айна кунда яроқсиз ҳолга келиб қолган ҳовузни таъмирлашга киришдик. Ҳовуз таъмири учун сарфланиши кўзда тутилган 150 миллион сўм маблағ аҳолининг шахсий маблағи, шунингдек, ҳомий тадбиркорлар ёрдамида туплан-

ган бўлиб, аҳоли ўз муаммосига ўзи ечим топмоқда. Мазкур ҳовуз ишга тушса, қишлоқдаги 615 та хонадонда яшовчи 3 минг 582 нафар аҳолининг ичимлик сув билан боғлиқ муаммоси ечимини топади. Ва Торқоқчугайдан келаятган сув увол бўлмай, бир вақтнинг ўзида 4000 метр/куб сув захираси яратилади. Туман ҳокими Зоир Алиқулов айна ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, қишлоғимиз учун сув тарқатиш шохобчасини куриб беришни ўз зиммасига олган.

Бу билан тўхтаб қолмоқчи эмасмиз. Айна пайтда ўзига хос имконият манбаига айланган «Очиқ бюджет» портали орқали ҳам муаммога ечим топишга ҳаракат қиляпмиз. Яъни мазкур порталга сув муаммоси билан боғлиқ тақлифимизни киритдик. Ҳозирда қишлоқдошларимиз жараёнда фаол иштирок этмоқда. Умид қиламики, овоз бериш жараёнлари натижасига кўра, таянловда, албатта, ғолиб бўлаемиз.

Тақлифлар масаласига келсам, маҳалла фаолларининг ҳуқуқий, маънавий савиясини ошириш бўйича ишлар тўхтаб қолган-дек тўе. Маҳалла раиси худуднинг мазкур йўналишларда энг етуқ инсонларидан бири бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса доимо ўқиш, изланишда бўлиши керак. Айниқса, кейинги йилларда тизимни такомиллаштириш мақсадида қарор ва фармонлар ўз вақтида барча раисларга мутахассислар томонидан батафсил тушунтириб борилиши лозим. Уйлайманки, бу каби ўқувларнинг тез-тез ўтказиб турилиши фойдадан холи бўлмасди.

Бундай рекламалар болаларга, уларнинг турмуш тарзига, ўзини тутиши, одатлари ва диди, қарашларига таъсир кўрсатмай қолмайпти.

Бундан, айниқса, ёш болали аёллар, сурункали касаллиги бор беморлар ҳамда кексалар норози бўлишди.

Русам ЮСУПОВ



Аёлларнинг шахсий гигиеник воситасини баланд овозли мусиқа садолари остида бемаъни хатти-ҳаракатлар билан реклама қилиниши маънавийтимизга қанчалик тўғри келади? Ёки эркаклар жинсий қувватини оширувчи сон-саноксиз «қувват» берувчи маҳсулотларчи? Минг афсуски, оила даврасида кўриб бўлмайдиган, маънавий-ахлоқий жиҳатларимизга зид бундай рекламалар намоишини тўхтадиган БИРОР МАСЪУЛ ТАШКИЛОТ ёки МАРД ИНСОН топилганича йўқ.

Ахир реклама фаолиятини юртида ҳам ўзига хос этика талаблари, жамиятимизда ишлаб чиқилган қонун ва меъёрий ҳужжатлар бор. Бироқ миллат маънавийтини пулдан устун қўяётганлар барчасига чап бериб келмоқда. «Еган оғиз уялар» деб шунга айтишар балки.

Ҳақиқат шуки, бундай рекламалар болаларга, уларнинг турмуш тарзига, ўзини тутиши, одатлари ва диди, қарашларига таъсир кўрсатмасдан қолмайпти.

Маълумот учун:

Бугун рекламанинг турли хил шакллари – оммавий ахборот воситалари, ташқи реклама, брендлар, ижтимоий тармоқлар, интернет, транспорт, одамлар кийимлари орқали амалга оширилмоқда. Хозирги кунда рақамли иқтисодиёт элементлари бўлиши SMS, чат-бот, промокод, QR-код, голографик-реклама сингари инновацион шакллар ҳам кенг татбиқ этилмоқда.

ЯНГИ ҚОНУН АМАЛДАГИСИДАН ҚАНДАЙ ФАРҚ ҚИЛАДИ?

Реклама саноатининг ривожланиши билан болалар ёки ўсмирлар аудиториясини у ёки бу рекламанинг салбий ва зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тобора қийинлашиб бормоқда.

Шу сабаб кунга кеча Олий Мажлис Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисида янги тахрирдаги «Реклама тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилди. Сенаторларнинг таъкидлашича, янги тахрирдаги қонунга зарурат шундаки, амалдаги қонунда умумий тусга эга бўлган ва ишламайдиган нормалар мавжуд бўлиб, улар реклама фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ қамраб олмаган.

Хусусан, реклама фаолиятига қўйилган талабларнинг етарли эмаслиги, давлат ва нодавлат ташкилотларининг реклама соҳасидаги ваколатлари аниқ белгиланмагани кўпга ҳуқуқ-бузарликлар содир этилишига сабаб бўлмоқда. Сабаби амалдаги «Реклама тўғрисида»ги қонун 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган бўлиб, бугунги кунга қадар унга 15 маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда **рекламага қўйилган талаблар кучайтирилиб, янги нормалар киритилмоқда.** Жумладан, дарсликлар ва дафтарларда реклама жойлаштириш, реклама нарҳларини хорижий валютада кўрсатиш, ахлоқ ва маънавийнинг умум қабул қилинган нормаларига зид келувчи шакл, ибора, ва образлардан фойдаланиш, товарнинг асосий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчидан яшириш тақиқланмоқда.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати — вояга етмаганларни рекламадан, хусусан, унинг салбий таъсиридан ҳимоя қилувчи ва рекламада вояга етмаганлар иштирокини чекловчи янги нормалар билан тўлдирилганидир. Жумладан, вояга етмаганларни хавфли вазиятларда кўрсатиш, ота-оналар ва тарбиячиларни обрўсизлантириш, вояга етмаганларнинг уларга бўлган ишончига путур етказиш, вояга етмаганлар олиши ёки истеъмол қилиши тақиқланган товарларни телеканалларда, вояга етмаганлар учун мўлжалланган телекўрсатувлар ва радиоэшитиришларда реклама қилиш тақиқланмоқда.

Бундан ташқари, қонунда дори воситалари рекламасига қатъий талаблар ўз аксини топган. Эндиликда таниқли шахсларнинг, тиббиёт ходимларининг ёки ташқи кўриниши шифокорларнинг ташқи кўринишига ўхшаш шахсларнинг иштирокидан фойдаланиш тақиқланади.

Бундан буён телеканаллар эфирда тарқатилётган рекламанинг умумий давомийлиги кўрсатув вақтининг бир соати давомида йигирма фоиздан, бироқ бир суткада кўрсатув вақтининг ўн беш фоизидан ошиши мумкин эмас.

Қолаверса, бундан буён телеканаллар эфирда тарқатилётган рекламанинг умумий давомийлиги кўрсатув вақтининг бир соати давомида йигирма фоиздан, бироқ бир суткада кўрсатув вақтининг ўн беш фоизидан ошиши мумкин эмас. Давомийлиги ўн дақиқадан кам бўлган телекўрсатувларни реклама билан узиб қўйишга ва реклама билан бирга намоиш этишга йўл қўйилмайди.

ИЖРОСИ БЎЛМАСА, ҚОНУНЛАР КИМГА КЕРАК?

Янги тахрирдаги қонунга киритилётган ўзгартириш ва қўшимчалар яхши, бироқ унинг ижроси ҳам амалда ўз аксини топса, янада яхши бўлади. Йўқса, амалдагидек, қонун қонунлигича қоғозда қолиб кетаверади.

Масалан, амалдаги «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида: «Рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф муҳит ҳолатига таъсирини таъминлаш» асосий вазифа этиб белгиланган. Бироқ юқорида айтганимиздек, телеканалларда аёл-

лару эркакларнинг шахсий гигиеник ва «қувват» бағишловчи воситаларини баланд овозли мусиқа садолари остида бемаъни хатти-ҳаракатлари билан реклама қилиши ҳамон давом этмоқда. Қолаверса, ушбу қонуннинг 17-моддасида: «Дастурларнинг реклама қисмлари товушини телерадио дастурнинг товушига нисбатан баландроқ қилиш тақиқланади», дея қайд этилган.

«Вояга етмаганларни маҳсулот олишга ёки реклама қилинаётган маҳсулотни олишни илтимос қилиб учинчи шахсларга мурожаат этишга даъват қилувчи реклама»лар «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси билан тақиқланган. Бироқ телеканалларимизда «**ҳэй сенда-чи, Zi-Zi борми?**» дея болаларни сақич сотиб олишга ундаётган рекламалар ҳам тингани йўқ.

«Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида: «Қўланиши ва реализация қилиниши юзасидан тегишли давлат органлари махсус рухсатнома бермай туриб косметика воситалари, маиший кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, витаминли ва биологик жиҳатдан таъсирчан озиқ-овқат қўшимчаларини реклама қилиш тақиқланади», деб қайд этилган. Бироқ минг дардга даво экани иддао қилинаётган турли геллар, биологик фаол қўшимча воситалари рекламаси кундан-кун кўпайиб бормоқда. Натижада ҳамма ўз билганича ўзига-ўзи ташхис қўйиб даволаняпти. Афсуски, бунинг ақс таъсирлари тузатиб бўлмас дардга айланмоқда.

ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАН ЯНА БИР МАСАЛА

Кўчага чиқсангиз, автобус бекатлари, устунлар, бино деворлари, кўп қаватли уйларнинг кириш жойларига эълон ёзилган қоғозлар ёпиштириб ташланганига кўзингиз тушади. Бир томондан яхши — уларда ёзилган телефон рақами орқали боғланиб ўзингизга керакли нарсани топишингиз мумкин. Аммо бу ҳолат атрофдаги манзарани

хунук кўрсатади, қолаверса, жамоат мулки, хусусий мулкка зиён етади.

Эълонларни ноқонуний тарзда ёпиштириш **Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларининг 47-бандини бузиш ҳисобланади.** Унда ушбу мақсадлар учун рухсат этилмаган ва мўлжалланмаган жойларда эълонларни ошиш тақиқланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 161-, 248-моддаларига кўра, мазкур қоидаларининг бузилишини ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика қатта инспекторлари ва инспекторлари кўриб чиқади. Эълонларни ноқонуний тарзда ёпиштириш мазкур кодекснинг бегона мулкни қасддан йўқ қилиш ёки шикаст етказиш тўғрисидаги 612-моддасига тушади. Мазкур ҳуқуқбузарликлар бўйича ишлар маъмурий судларда кўриб чиқилади.

Афсуски, бу қоидалар ҳам неча йиллардан буён фақат қоғозда қолиб келяпти. Шу боис Хусусий уй-жой муқдорлари ширкатлари томонидан кўп қаватли уйлар атрофига ихчамгина «Эълонлар тахтаси» урнатилишини йўлга қўйиш керак. Бунинг учун кўп қаватли уйда яшовчилар ҳам эълон ёпиштирувчиларни тартибга чаққириб, ўзлари ҳам фаол бўлиши зарур.

Кўриниб турибдики, реклама тўғрисида етарлича қонун ҳужжатлари мавжуд. Фақат унинг ижросини таъминлаш керак, холос. Шундай экан, қайта-қайта қонун, қарорлар чиқаравермасдан, аввало, мавжуд қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш шарт.

БИЛАСИЗМИ?

Телекўрсатувларнинг бошловчилари, дикторлари ва бошқа қатнашчилари реклама учун ажратилган вақтдан ташқари пайтада маҳсулотни билатуриб намоиш қилиш ёки унинг истеъмол хусусиятларини бевосита ёки билвосита тавсифлаш ҳуқуқига эга эмас.

10 минутдан кам давом этадиган телекўрсатувлар (радиоэшитиришлар)га умуман, 10 минутдан ортқ давом этадиган телекўрсатувлар (радиоэшитиришлар)га эса бу телекўрсатувлар (радиоэшитиришлар)нинг муаллифлик ҳуқуқи эгаси билан келишмасдан туриб реклама жойлаштирилиши мумкин эмас.

Гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқатлари рекламаси қуйидаги талабларга мос бўлиши шарт:

- она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни реклама қилишга йўл қўйилмайди;
- она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларга оид ахборотлар гўдакни олти ойгача озиқлантиришда она сути билан озиқлантиришнинг фойдаси ва афзаллиги тўғрисидаги кўрсатмани ўз ичига олган бўлиши керак;
- бола ҳаётининг биринчи йилида унинг рационига киритилган қўшимча овқат маҳсулотлари рекламасида ёшга доир чекловлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳати зарурлиги ҳақидаги огоҳлантириш бўлиши керак.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«Аҳоли олис шифохонага қатнашга мажбур»

Маҳалла раиси сифатида йигирма йиллик тажрибам бор. Кузатганим йилдан-йилга аҳолининг фаровонлиги ортиб, яшаш шароити яхшиланмоқда. Бугун меҳнат қилган одам кам бўлаётгани йўқ. Президентимиз керакли барча имконият ва имтиёزلарни яратиб берапти. Энди барчаси ўзимизга – маҳалла раисидан тортиб, барча соҳа мутасаддилари раҳбарларининг масъулиятига, ташаббусига, виждонан ишлашига боғлиқ.

Пирнат ИСОМОВ,
Шовет туманидаги «Ойдин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Албатта, янгиликлар кўп. Биргина мисол, фарзандларимиз, набираларимиз боғча тарбияси билан тўлиқ қамраб олинмоқда. Маҳалламиз худудда 10 йилдан буён бир ишласа, бир ишламай, ишласа ҳам 1-2 гуруҳ бўлиб, номингагина фаолият юритаётган таъмирталаб, 8-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти бугун тамоман ўзгача қиёфада, замонавий шароитларга эга боғчага айлантирилди. Наврўз байрами арафасида 100 ўринли мазкур боғчанинг тантанали очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу боғчанинг қайта ишга туширилиши натижасида 30 нафарга яқин хотин-қизларимиз ҳам ишли бўлишди. Бундан ташқари, яна иккита, 50 ва 25 ўринли оилавий боғчамиз ҳам фаолият юрITYпти. Маҳалламизда маданият маркази ҳам бор. 400 ўринли марказда ёшлар учун компьютер саводхонлиги, тикиш-бичиш, чолғу



асбоблари каби турли тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилган. Байрам тадбирлари ҳам шу ерда ўтказилади. Боғча етарли, мактаб ва маданият маркази ҳам бор. Энди маҳалламизда қишлоқ врачлик пункти очилса, кифоя. Аввал қишлоқ врачлик пункти бўлган, у ерда 2-3 нафар олий тоифали шифокор, йигирма нафарга яқин ҳамшира атрофимиздаги марказда ёшлар учун хизмат кўрсатишарди. Битта лаборатория ҳам бор эди.

Афсуски, 2017 йил ҚВПларнинг қисқартирилиши натижасида у ҳам епилиб кетди. Бундан, айниқса, ёш болали аёллар, сурункали касаллиги бор беморлар ҳамда кексалар норози бўлишди. Негаки 2700 нафар аҳолимиз 6 км. олисдаги 53-оилавий поликлиникага қатнашга мажбур бўлди. Қизиги, ушбу оилавий поликлиника бизнинг ҚВПдан ҳам кичкина. Шу боис доим тикқилинч. Аҳоли, айниқса, қиш ва ёз ойларида қатнашга қийналишмоқда.

Чунки поликлиникага иккита транспортда алмашиб боришга тўғри келяпти. Маҳалламизда 6 нафар онкологик касалликка чалинган ва бир нафар ётоқда бўлган беморимиз бор. Маҳалламизга 4 нафар погранаж ҳамшира бириктирилган, лекин улар ҳар доим ҳам келишмайди. Депутатларга ҳам, соҳа масъулларига ҳам ўзимизнинг ҚВП фаолиятини қайта тиклаб беришларини сўраб, таклиф киритдик. Бироқ шу вақтгача бирор натижа бўлгани йўқ.

«ЯШИЛ МАКОН» БИР ЙИЛЛИК ТАДБИР ЭМАС

Келгуси беш йилда 1 миллиард туп дарахт кўчати экиш мақсад қилинган. Ушбу умуммиллий ҳаракатнинг натижаси ҳар бир маҳаллада кўриниши керак

Рустам ЮСУПОВ

Жорий йил баҳор мавсумида «Яшил макон» ҳаракати доирасида баҳорги мавсумда 125 миллион 30 минг дона манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчалар экиш белгиланган бўлиб, аҳолига камида 10 млн. дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари бепул тарқатилди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси берган маълумотга кўра, жорий йил мавсум бошидан 24 мартга қадар республика миқёсида 79 миллион 74 минг дона ҳар хил турдаги манзарали ва мевали кўчат дарахтлари экилган. «Яшил макон» лойиҳаси қамровини янада кенгайтириш мақсадида 25 мартдан 5 майга қадар худди куз мавсумидагидек «Долзарб 40 кунлик» бошланди.

Энг муҳим масала, экиш ишларини тўғри ташкил қилишдир. Аввало, мавжуд ва янгидан барпо этиладиган яшил майдонлар худудининг эгаси туман ва шаҳар ҳокими қарори билан белгилаб берилиши керак. Бириктирилган масъуллар мавжуд дарахтларни парвариш-лаш билан бирга, ушбу худудни обод ҳолда сақлаш учун ҳам жавоб беради. Экология, дарахт экиш ва парваришлас масалаларига эса туман ва шаҳар ҳокимларининг қурилиш бўйича уринбор-сари масъул этиб белгиланган.

Маълумот учун: дунё бўйича 3 трлн. атрофида дарахт мавжуд. Бироқ ҳар бир дақиқада уларнинг 27 та футбол майдонига тенг қисми кесилмоқда.

Бугун умумий фойдаланишдаги магистраль йўллар бўйларида ҳам кўчат экиш долзарб аҳамиятга эга. Негаки, республикамиздаги 42 минг км. магистраль йўлларнинг атиги 4 минг 804 км. қисмида 7 млн. дона ихота дарахтлар мавжуд. Шу боис Президентимиз жорий йилнинг 2 февраль кунини чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳолатни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида Автомобиль йўллари қўмитасига халқаро ва республика аҳамиятидаги йўллар че-

тида ихота дарахтзорлар барпо этиш бўйича топшириқ берган эди.

Мутахассисларнинг тавсиясига кўра, йўл бўйларидаги шўр ерлар учун кўк терак, ер ости сувлари яқин худудларга калифорния тераги, унумдор ерлар учун оқ ва қизил терак экиш тавсия этилди. Бунда фақат томир отган кўчатлар эмас, қаламчалар экиш ҳам назарда тутилган. Кўчат дарахтлари йўл худудлардаги фермерларга, ер эгаларига бириктирилиб, унинг доимий назорати Экология қўмитаси томонидан назоратга олинди, мониторинг қилиб борилади.

«ЯШИЛ МАКОН» – ЯГОНА ЭЛЕКТРОН БАЗАСИ

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан худудларда кўчат экилган майдон, уни эккан ва тасарруфга олган субъект, суғориш тизими, фотосурат ва жойлашув локацияларни ўз ичига олган «yashilmakon» – ягона электрон базаси шакллантирилиб, мутахассислар бириктирилди. Шу кунга қадар тизимга 58 млн. 815 минг 66 дона экилган турли хилдаги манзарали ва мевали дарахт кўчатлари киритилди.

Қўвонарлиси, ушбу тизимнинг мобиль иловаси ҳам ишлаб чиқилди. Мазкур электрон тизим худудларда янги экиладиган кўчатлар мониторингини, экилган кўчатларнинг назорат тизимини онлайн режимда туман ва шаҳарлар кесимида юритади. Унга экилган кўчатларнинг фотосуратлари ва жойлашув локациялари бириктирилади. Бунда ҳақиқатда экилган кўчатлар сони, худуддаги суғориш тизими мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳамда масъулларга бириктирилганлиги бўйича маълумотлар олиш имкониятини беради.

Яна бир янгилик: баҳор мавсумида маҳалларда фаолият кўрсатувчи ҳар бир ёшлар етакчиси 5 дондан ҳамда 10 000 нафардан зиёд волонтер ёшлар 3-10 дондан дарахт экишлари, республика бўйича жами 200 000 га яқин дарахт экилиши режалаштирилган.

«ЯШИЛ ҚОПЛАМА»ЛАР БАРПО ЭТИЛАДИ

Давлат раҳбарининг 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ташрифлари давомида берилган топшириқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари доирасида Орол денгизининг суви қуриган худудларида 2018-2021 йилларда жами 1,6 млн. гектар майдонда «яшил қопламалар» барпо этилди. Ушбу ўрмон-мелиоратив тадбирлар учун жами 6 минг тоннага яқин чўл ўсимликларининг уруғлари жамғарилди, 1,3 минг гектар майдонда ерларни экишга тайёрлаш (барзада) ишлари бажарилди. Шунингдек, 200 гектар майдонда чўл ўсимликларидан ниҳолхоналар ташкил этилди. Бундан ташқари, Оролбўйи минтақаси бўлган Бухоро вилоятида 79,3 минг гектар, Навоий вилоятида 43 минг гектар ва Хоразм вилоятида 8,5 минг гектар «яшил қоплама»лар барпо этилди.

Бажарилган ишларга қарамасдан, Орол денгизининг суви қуриган худудларидаги ҳозирги экологик ҳолат, қум-чанг тўзонларининг кўтарилиши «яшил қоплама»лар барпо этиш ишларини жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис Орол денгизининг суви қуриган туби ва Оролбўйи худудларида кейинги 5 йилликда 1 млн. гектар чўл ўсимликларидан «яшил қоплама»лар барпо этиш режалаштирилган. Шу жумладан, 2022 йилда жами 200 минг гектар майдонда чўл ўсимликларининг уруғидан 187 минг гектар, кўчатидан 13 минг гектар майдонда кўчатидан «яшил қоплама»лар барпо этиш кўзда тутилди.

Бунда нафақат Орол денгизининг қуриган туби, балки Оролбўйи минтақасида ҳам «яшил қопламалар»ни



барпо этиш назарда тутилди. Ушбу ўрмон-мелиоратив тадбирларни амалга ошириш учун жами 780 тонна чўл ўсимликларининг уруғлари тайёрланиб,

«яшил қоплама»лар барпо этиш учун сарфланади. Бундан ташқари, камида 100 гектар майдонда саксувал ниҳолхоналари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бир йиллик тадбир эмас. Унинг доирасида келгуси беш йилда 1 миллиард туп дарахт кўчати экиш мақсад қилинган. Шу боис ушбу умуммиллий ҳаракатнинг натижаси ҳар бир маҳаллада кўриниши керак, бу савобли ишни ҳисобот учун эмас, ҳавас билан қилиш керак.

Дарҳақиқат, яшаб турган жойимизни озода сақлаб, биздан кейинги авлод ҳам муносиб табиий муҳитда яшашлари учун бугун биз табиатга меҳр ва эътибор берсак, келажак авлод ҳам муносиб экологик шароитда яшайди. Бунинг учун биздан талаб қилинадиган биргина нарса – табиатни тоза-озода сақлаган ҳолда ер ва сув ресурсларини, экологик тизимни асраш ҳамда дарахт кўчатларини экиб, боғ яратишдир.

ФАКТ:

дарахтлар ҳаводаги зарарли карбонат ангидридни ютиб, ўрнига кислород ишлаб чиқаради ва бизнинг нафас олишимизга ёрдам беради. Улар иссиқда салқинлик беради, атроф-муҳитни шовқинлардан ҳимоя қилади.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

«Раислик лавозим эмас, масъулият экан»



Жобир АЛИЕВ,
Янги Наманган туманидаги «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«Бунёдкор» маҳалласига кўчиб чиққанмизга ҳам 40 йил бўлди. Уша пайтлар аҳолининг асосий даромади деҳқончилик бўлиб, энг катта ва долзарб муаммоимиз ичимлик суви танқислиги эди.

Ишонсангиз баъзи йиллари кетма-кет дарахт экардик. Уша дарахтлар ёзга келиб қуриб қоларди. Аҳолини муурожаат қилмаган идораси, бормаган

ташкilotи қолмаганди.

Раҳбарлар келиб, ваъдани бериб кетаверишди. Охири одамларимиз мажлисларга чиқмай кўйдим. Бор умид, ишонч, орзуларимиздан совидик. Боғлар қуриди, тоқзорлар харобага айланди.

2021 йил 19 февралда Президентимизнинг «Бунёдкор» маҳалласига ташрифлари маҳалла аҳлининг узок

йиллик дардига дармон, муаммоларига ечим бўлди.

Президент ташрифидан сўнг «Бунёдкор» маҳалласи ҳақиқий қурилиш майдонига айланди. Вилоят ҳокими Шавкат Абдуразоқов бошчилигида вилоятнинг каттаю-кичик раҳбари маҳалламизда «яшади». Фуқаролар йиғинининг янги биноси 3 ойда қуриб, фойдаланишга топширилди.

Август ойида аҳолимиз, туман мутасаддилари ишонч билдириб, маҳалла раислигига сайлашди.

Галнинг дангали, бошга тушмагунча, раисларга осон тугардим. Оз фурсат ичдаёқ бу лавозим эмас, масъулият эканини сездим.

Айниқса, давлат раҳбари эътиборига тушган маҳаллани янада ривожлантириш талаб этиларди. Энди ҳаммамнинг нигоҳи бизга қаратилганини ҳис этиб, биринчи галда режа тузиб чиқдим. Маҳалланинг муаммоларини босқичма-босқич ечиш бўйича таклифларни ўргандим. Аввало ишни илм-маърифат тариготидан бошладик. Маҳаллада замонавий кутубхона ва АКТ марказини ташкил этдик. Ҳозирда

бу ерда 300 нафарга яқин бола бепул таълим олмақда.

Вилоятимизни энг абор йўллари-дан бири бўлган «Оромгоҳ-Бунёдкор» йўли қисқа муддатда 13,7 км.лик магистраль йўлга айланди. Бунёдкорликлар вилоятнинг каттаю-кичик раҳбари ҳам ижобий ечим топпапти. Янгиқўрғон тумани Оқбўлоқ қишлоғидан 22 км.лик тоза ичимлик суви тортиляпти. Жамоатчилик ҳам ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда «уйғонди». Маҳалла ёшлари ва фаоллари билан биргаликда 6 та уйи йўқ муҳтож оилаларга ҳашар йўли билан уй қурдик. Маҳалламизда ахборот хизмати ва медиастудия ташкил қилдик. Бу ташаббусни бемалол республикада ягона, десак ҳам бўлади.

Маҳалланинг ўсиш нуқтаси сифатида узумчиликка ихтисослаштирилган кластер ташкил этдик. Ҳозирда 800 га яқин хонадонда тоқзорлар барпо бўлди. Бунда бизга фарғоналик бободоҳонлар кўмакдош ва устозлик қиляпти.

Қад ростлаётган кичик саноат зоналари, янги болалар боғчаси, кўшимча мактаб биноси, кўп қаватли уйлар маҳалламиз кўрқига қурқ кўшиши шубҳасиз.

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi»

масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zguisi» журнали муҳаррири
Рустам ЮСУПОВ
Саҳифаловчи:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Улчами — 350x587, 4 босма табоқ.
5000 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-318 1 2 3 4 5 6
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.